Volume 1, Issue 2

# КОРЕЙС АДИБИ ЁМ САНСОП ИЖОДИЙ МЕРОСИ

**Муслимова Шаҳноза Суннатовна**
*ТДШУ, Корейс филологияси кафедраси эркин тадқиқотчиси*

Хвенбо тахаллуси остида қалам тебратган корейс носири Ём Сансоп XX аср корейс насрнавислигининг энг машҳур намоёндаларидан ҳисобланади. Унинг ижодий мероси жуда ҳам сермаҳсул: 27 роман ва қиссалар, қатор ҳикоялар, адабий-танқидий мақолалар ва публицистик очерклар муаллифи.

XX асрнинг биринчи ярми Кореяда япон мустамлакаси даврида корейс ёшлари хорижда, хусусан, Японияда таҳсил олиш имкониятига эга бўлди. Мана шу ёшлар сафида Ём Сансоп ҳам 15 ёшида Японияга жўнаб кетди. Бир қанча вақт Аояма коллежида, сўнг Даичи мактабини тугатди. 1917 йили Кэйо университетининг гуманитар фанлар факультетига ўқишга кирди.

Ўз даврининг фаол ёшлари, ватанпарвари сифатида бўлажак адиб мустақиллик учун ҳаракатларда иштирок этди. Аммо ҳаракат кутилган самарани бермади, Ём Сансоп эса бошқа ёшлар қатори бироз муддат қамоқ жазосига маҳкум этилди. Қамоқдан озод қилинган адиб корейс тилида чоп этилган “Ижод” журнали таҳририятида оддий ишчи бўлиб фаолият юритди. 1920 йили ватанига қайтиб келган Ём Сансоп “Шарқий Осиё хабарномаси”да шарҳловчи бўлиб ишлади.

XX асрнинг 20-йиллари бошида адабий майдонга кириб келган ёзувчилар биринчидан журналистлар, иккинчидан қайсидир матбуот нашриётларида ношир, муҳаррир ва шарҳловчи бўлиб фаолият юритган инсонлар эди. Бу даврга келиб Кореяда бирин-кетин турли адабий журналлар чоп этилди ва унинг атрофида у ёки бу йўналиш тарафдорлари бирлашди.

Бу бирлашмаларнинг барча аъзолари Европа, хусусан, француз ва инглиз тилларидан таржима қилиш билан шуғулланди. Н.И.Конраднинг ёзишича, Европа адабиёти Шарқ мамлакатларига кўпинча аслиятда кириб келди, бунда айрим ёзувчиларнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида рол ўйнади. XIX-XX асрларда япон адабий жараёнларида юз берган шаклланиш замонавий корейс адабиётида ҳам кузатилди. Давр ижодкорлари Ғарб адабиёти, хусусан, Европа халқларидан бири адабиётини яхши билиши талаб даржасига кўтарилди.

Европа халқлари адабиёти билан аслиятда танишган корейс ижод аҳли 20-йилларда янги ижодий услубни ўзлаштириш ва буни амалиётга тадбиқ этиш бўйича мақсадли вазифаларни бажаришга ҳаракат қилишди. Аслиятдан таржималар биринчи навбатда ёзувчининг ижодий қурол воситасига айланди.

Маълумки, бу даврда Кореяда турли хил адабий оқимлар фаолият юритди. Ём Сансон “Харобалар” оқимига аъзо бўлди. Журнал саҳифаларида унинг бошқа аъзолари каби адибнинг декадентлик шеърлари, танқидий мақолалари чоп эттирилди. Замонасининг энг машҳур ёзувчиси Ким Донин билан юзага келган баҳс-мунозара сабаб шу кунга қадар яратган асари ўз китобхонини топмаган Ём Сансоп адабий доираларда бошқаларнинг эътиборини қозонишга муваффақ бўлди.

Ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, аммо айрим журнал саҳифаларида чоп этилаётган мақола ва асарларга танқидий фикр билдира олган Ём Сансоп аслида Кореяда адабий танқиднинг ривожига туртки берди[1].

1920-йиллар март ҳаракатлари бостирилган, япон мустамлакаси янада авж олган бир пайтда адабий танқидчиликда чоп этилаётган асарларга холис баҳо беришда айрим тўсиқлар мавжуд эди. Ижод аҳли учун эркин муҳитнинг йўқлиги, япон сиёсати, мафкуравий ўпқон танқидчиларнинг дастлабки уринишларига барҳам берди. Мамлакатда ҳукмронлик қилаётган

[1]한국 문학 대사전. – 서울. 1991. –쪽 13.

эрксизлик, зўравонлик, мустамлака тазйиқи бошқа соҳалар қатори адабий танқидчиларнинг ҳам жиловини ўз қўлига олди. Мана шу вазиятда холис танқидчилик учун бел боғлаган Ём Сансопнинг Ким Донин билан баҳс-мунозарага киришиши даври учун муҳим ҳодиса ҳисобланди, шиддатли чиқиши эса таҳсинга лойиқдир.

Тарих – бу кўзгу. Кўзгуда акс этган ҳақиқат сўзларда асарларга жо бўлди. Аммо бу асарлардаги эстетик жозибадорликни, ёки аксинча, асарнинг замона зайлига мойил йўсинда ёзилганини ҳалол баҳолаш учун Ём Сансоп сингари жасур инсонлар фаолияти етишмади.

1920-йили *ўқувчининг эстетик дидини тарбиялаш зарурияти̇ни ҳис қилган* (Баходир Карим) адибнинг янги шакл ва янги мазмун касб этувчи “Тажрибахонадаги қурбақа” (1921), “Қоронғу тун” 1922, “Йилнинг сўнгги туни” (1922) ҳикояларини чоп эттирилди. Бу ҳикоялар муаллифнинг илк ижодига тегишли бўлиб, қўйилган муаммо, услуби ва мавзуи жиҳатдан мазкур давр адиблари ҳикояларидан кескин фарқ қилади.

XIX асрнинг биринчи ярмида Европада етакчилик қилган романтизм йўналиши XX аср бошида Ғарблашиш жараёнида Кореяга ҳам кириб келди. Замон билан ҳамнафас ёзувчи Ём Сансоп ҳам дастлабки “Қоронғи тун” ва “Тажрибахонадаги қурбақа” ҳикояларини романтизм йўналишида ёзган бўлса, учинчи, “Йилнинг сўнгги туни” ҳикояси услуб жиҳатидан натурализм йўналишига яқин туради (аслида бу давр ижодкорлари ижодида натурализм ва реализм аралаш ҳолда мавжуд эди).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу давр ёзувчилари ижодида реализм натурализм билан қоришиқ ҳолда кузатилади. Ём Сансоп натуралистларнинг “*адабиёт ҳаёт материалини танлаб тасвирлаши керак эмас, уни борича тасвирлаши керак*” деган фикрларига асосланиб воқеликдан нусха кўчириш, ҳаёт ҳодисаларини танлаш, типларни ажратишдан воз кечди. Субъективлик, муаллифлик асоси, ижодкорнинг ҳаётга муносабати, унинг нуқтаи назари кабилардан йироқ ёзувчи воқеликка объектив ёндашди. Шу маънода адиб, “*Кореялик реалист ёзувчилар даврасида бетакрор феномен ҳисобланади*”[2].

XX асрнинг 1920-йилларида корейс ижодкорлари ижодида оилавий конфликтлар, ичкилик оқибатлари, шовқин суронли катта шаҳар, инсонга салбий таъсир кўрсатувчи тез ўзгараётган атроф-муҳит каби мавзулар етакчилик қилди. Бу жиҳатдан Ём Сансоп яратган ҳикоялар ғарб ижодкорлари ижодига яқин турди.

Корейс тадқиқотчилари фикрига кўра, адиб қаламига мансуб “Ўлим ва рассом”, “Кунгабоқар”, “Қўнғироқ” ҳикоялари тасвир воситаларининг кўп қўлланилгани билан ажралиб туради. Бу ҳикоялар муаллиф худди воқеликни суратга туширишга ҳаракат қилгандек таассурот уйғотади. Адабий доираларда жуда ҳам синчков инсон ҳисобланарди. Ишда унинг учун майда-чуйда нарсалар мавжуд эмас. У нафақат бош қаҳрамонларга, балки иккинчи даражали қаҳрамонларга ҳам исмни чуқур ўйлаб танлайди. Шунингдек, танқидчилар Ём Сансопнинг “Ура!” Ҳайқириғидан олдин” ва “Уч авлод” романида бош қаҳрамонлар руҳияти ва оилавий муаммоларга ҳаддан ташқари чуқур кириб борганлигини эътироф этишади.

Ём Сансопнинг ижодий қиёфаси мураккаб, серқирра ва зиддиятларга тўла. Ёзувчи ўз ижоди билан миллий адабий ҳаракатга ҳам муносиб ҳисса қўшди. Энг аввало, адиб насрда сўзлашув услуби асосчиси, соф адабиёт учун ҳаракат йўлбошчиси сифатида намоён бўлди, мазкур даврда сосол ривожига улкан ҳисса қўшган ёзувчилар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Шунингдек, корейс адабиёти тарихида адабий жараёнларга эстетизм ва натурализмни биринчилардан бўлиб олиб кирди. Адибга замондош ёзувчи Ли Гвансу ҳам биринчилар қаторида романтизм йўналиши, миллий ва гуманизм ғояларини илгари сурди, аммо унинг

[2] Никитина М.И., Троцевич А.В. Очерки истории корейской литературы. – Москва, 1969. – С. 73.

мураккаб ва ноизчил сўзлашув услуби ўрнига Ём Сансоп мукаммал ва изчил сўзлашув услубини киритди”[3].

Ём Сансоп ижодининг кейинги босқичи унинг 1920 йили асос солинган «Сотворение мира» журнали билан ҳамкорлигида янада турфалашди. Бу журнал «Ижод» ва «Харобалар» журналлари каби бадиий адабиёт билан бевосита эмас, билвосита алоқада бўлса-да, замонавий корейс адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшди. Таҳририятга Чхве Жонжон, Ли Дусон ва Ли Донхвалар каби машҳур диний эътиқод намоёнлари ҳам аъзо бўлишди. Журнал асосчилари миллат озодлиги учун сўз санъатидан қурол сифатида фойдаланиш кераклигини ошкора намоён қилишди. Натижада, журнал маҳаллий ва япон ҳокимияти назорати остига олинди.

1927 йили Ём Сансоп “Адабиёт ва ҳаёт” мақоласида реализм йўналишида ижодини давом эттиришини қайд қилган. Бунда адиб маиший ҳаёт ва қарашларга қатъий амал қилган ҳолда ҳаётни бутун борлиғи билан акс эттиришини таъкидлаган. Бунинг исботи сифатида “Муҳаббат ва жиноят” ва “Иккиюзламачи” ҳикояларини ёзди.

1927 йили Ём Сансоп “Адабиёт ва ҳаёт” мақоласида реализм йўналишида ижодини давом эттиришини қайд қилган. Бунда адиб маиший ҳаёт ва қарашларга қатъий амал қилган ҳолда ҳаётни бутун борлиғи билан акс эттиришини таъкидлаган. Бунинг исботи сифатида “Муҳаббат ва жиноят” ва “Иккиюзламачи” ҳикояларини ёзди.

Муаллифнинг “Уч авлод” романи трилогия бўлиб, асар замонавий корейс романчилиги ривожида улкан янгилик бўлди. Роман сюжетини конфуцийчилик анъаналарига содиқ бува, ижтимоий тузумни ўзгартириш ҳақида очиқ гапиришдан қўрқмайдиган ота, янги ҳаётда ўз ўрнини излаётган ўғил ўртасидаги зиддиятли муносабатлар ташкил қилади.

Мамлакат мустақиллиги олдидан “Анжир дарахти” ва “Пионлар гуллаганда” каби асарлар яратди. Шу билан бирга бу даврда ўзи яратган ҳикояларни “Ёш авлод” номи остида тўплам шаклида чоп эттирди.1950 йили Корея яриморолида фуқаролар уруши бошлангач, Ём Сансоп Жанубий Корея қўшини сафига кирди.

Уруш даврида ижод аҳли ҳарбий ёзувчилар ташкилотига асос солишди. Илк бор 1951-йил май ойида романнавис Чхве Сан Ток бошқарувидаги “Ҳарбий ёзувчилар ташкилоти”га асос солинди. Ташкилотга Ким Пал Ён, Ким Сон, Пак Ён Чун, Чхве Те Ун, Чон Пи Сок, Пак Ин Хван, Ким И Сок, И Ток Чин ва бошқалар аъзо бўлишди. Улар ҳарбий қўшиқлар ёзишди, мемуарлар яратишди, маърузалар ўқишди, песалар саҳналаштиришди, шунингдек, “Фронтнинг ҳарбий адабиёти” расмий нашриёти ҳам ўз фаолиятини юритди.

“Ҳарбий денгиз ёзувчилар ташкилоти” аъзоси Ём Сансопнинг “Довулли жала” асари даврий нашр “Чосон Илбо” газетасида 1952-йил 13-июлдан 1953-йил 20-феврал санасига қадар чоп этилди. Асар трилогиядан иборат бўлиб, “Илиқ оқимлар” боби 1950-йил 1-январдан 25-июнгача чоп этилди. Иккинчи боб “Қушлар қўшиғи” “Кукже Шинбо” газетасида 1953-йил 15-декабрдан 1954-йил 25 февралга қадар чоп этилди. Биринчи боб кейинги икки бобни бир-бирига боғловчи вазифани бажаради.

“Илиқ оқимлар” асарида муаллиф ўнг ва чап қанот иттифоқи ғояларига таянган ҳолда ёзувчининг холис «дунёқараши» асосида янги инсон типи ва янги ахлоқ қоидаларини беришга ҳаракат қилди. Ҳикоя қаҳрамонлар диққат марказида иш кунлари ортида яширин асосий рағбатлантирувчи омил сифатида намоён бўлувчи пул – савдо ва қоғоз маҳсулотлари компанияларининг қўшилиши ҳақида баён қилади. “Янги инсон типи ва янги ахлоқ қоидалари тасвири” ибораси 1930-йилларининг бошларида “Уч авлод” романини ёзган Ём Сансоп томонидан киритилди.

[3] 정과넹. 한국소설의 발달역사 – 서울, 1969. – 108.쪽.

“Илиқ оқимлар” асари “Довулли жала” асарининг узвий давоми ҳисобланади, асарда қаҳрамон исмлари, уруш туфайли воқеа жой номлари ҳам ўзгартирилган ҳолда берилган.

“Довулли жала” асарида Корея-Америка савдо компанияси бошлиғи Ён Сик ва унинг котибаси ҳаёти тасвирланган. Котиба таржимон лавозимида ҳам ишлайди, эри Шимолда бўлган аёл Ён Сикнинг маъшуқасига айланади. Асардаги воқеалар 1951-йили мухолифларнинг 25-июндан 28-сентябргача Сеулдаги ҳокимияти билан боғлиқ. Хаос ҳукмронлик қилаётган давр бўлишига қарамай, Шимолий Корея халқ армияси кириб келган вақтда, кундалик ҳаёт ритми буткул бузилмайди. Эркак ва аёллар илгари вақтдагидек севишишади, хасис қариялар, одатдагидек, ўзларининг пул жамғармаларини яширин сақлайдилар, компаниялар ўз фаолиятларини тиклади, худди аввалгидек трамвайлар ҳаракатга тушди. Гуруч тақсимлаш, ёқилғи жамлаш, ёзги кийим-бошга ўтиш – бир сўз билан айтганда, катта ўзгаришларсиз ҳаёт давом этди.

Трилогия “Қушлар қўшиғи” асари билан якунланади. Бунда қочқинлар Шин ва Кан ҳаёти тасвири баёни худди биринчи асардагидек ўзгаришсиз қолади. Муаллиф якунловчи асарда ҳам уруш мавзуига эмас, балки ўз қаҳрамонларининг кундалик ҳаётидаги оддий деталларга эътибор қаратади.

Шу тариқа, муаллиф уруш бу кутилмаганда табиат ҳодисаси жала эканлиги, жаланинг эса барибир тўхташига ишора қилади. Шу билан бирга, “Довулли жала” – бу корейс халқи кундалик ҳаётида жаладан сўнг қолган “доғ”ни англатади, жала бу “Корея уруш”дир. “Доғ”ни сув билан ювиб кетказиш мумкинлигига ишонади. Муаллиф “доғ” детали орқали қуйидагиларни таъкидлайди: Корея уруши даҳшатли ташқи кучни ифодаласа-да, у кучли ёмғирга қиёсланади; ёмғир кутилмаганда бошланади ва кутилмаганда тугайди. Кундалик “доғ теккан” ҳаёт ўзгаришсиз қолади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Корея урушига бағишланган қатор асарларда асосий урғу фожеали вазиятларга қаратилган. Ём Сан Соп ҳам мазкур трилогияда кундалик ҳаётни деталларда тасвирлайди, аммо уруш оқибатида юзага келган катта ўзгаришлар эътибордан четда қолади.

Уруш тугагач, адиб Сорабол санъат институти директори лавозимида ишлади. Соғлиғи ёмонлашган адиб, амалда ишга бормаса ҳам, ижод қилишда тўхтамади. Ём Сансопнинг ижоди муносиб тақдирланди. 1963 йили адиб умри поёнига етди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Никитина М.И., Троцевич А.В. Очерки истории корейской литературы. – Москва, 1969.
2. 한국 문학 대사전. – 서울. 1991.
3. 정과넹. 한국소설의 발달역사 – 서울, 1969.